

Ҳеч бир эркак бегона аёл билан ҳоли қолмасин!

07:00 / 28.03.2022 4180

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Бану Ҳошимдан бир неча киши Асма бинт Умайсинг олдига киришди.

Сўнгра Абу Бакр Сиддиқ кирди – ўшанда аёл унинг никоҳида эди – ва уларни кўриб, ёқтирмади. Кейин буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилди ва: «Яхшиликдан бошқани кўрганим йўқ», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ уни

бундан оқлади», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам

минбарда туриб: **«Бугундан бошлаб ҳеч бир эркак эри бўлмаган**

аёлнинг олдига кирмасин! Фақат у билан бошқа бир ёки икки киши бўлса, майли», дедилар».

Муслим ривоят қилган.